"Ishonch" gazetasining 2022 yil 56-sonida o‘qing: "Yor-yor - o‘tin yorishga sarflanayotgan iste’dod"

https://ishonch.uz/archives/7838

Самарқанд вилояти

Долзарб мавзу

Чиқитга чиқаётган ХАЗИНА

Бундан сал олдин Самарқанд вилоятида тери ва жун маҳсулотларини қайта ишлашга жиддий киришилгани анча овоза бўлганди.

Жумладан, биргина ўтган йили вилоятнинг Самарқанд, Пахтачи, Нуробод, Каттақўрғон, Жомбой ва Қўшработ туманларида 10 та лойиҳа доирасида ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш, гранулали омихта ем тайёрлаш ва бўрдоқичилик комплексларини фойдаланишга топшириш режалаштирилгани айтилди. Қўшимча қувватлар эвазига 1,1 минг тонна жун, 4,5 минг дона тери, 900 тонна гўшт етиштириш ҳамда 3,9 миллион долларлик қоракўлчилик маҳсулотларини экспорт қилиш мўлжалланди. Энг муҳими, ушбу соҳани ривожлантириш орқали 11 минг кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилди.

Хўш, бу режалар нечоғли уддаланди? Ишқилиб, эзгу орзу-ниятлар қоғозда қолиб кетмадими? Умуман олганда, ҳозир вилоятда тери ва жунни қайта ишлаш қай аҳволда?

Биз ушбу саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида соҳага дахлдор бир неча бирлашма ва уюшмада бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишдик.

Хулосамиз эса қуйидагича бўлди: белгиланган режаларнинг аксарияти ҳамон амалга ошмаган. Айни кезларда жами 1603 нафар киши меҳнат қилаётган 132 та чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг барчаси хомашё сифатида сунъий чармдан фойдаланмоқда. Қоракўл терисини қайта ишлашга ихтисослашган ва вилоятда ягона ҳисобланган «Каттақўрғон чарм» корхонаси ҳам ўз маҳсулотларига хориждан харидор излашга мажбур бўлмоқда.

– Самарқанд туманида 6 гектар, Ургут туманида 2,2 гектар майдонда терини қайта ишлаб, чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган кичик саноат зоналари ташкил этилади, – дейди «Ўзчармсаноат»нинг Самарқанд вилояти уюшмаси бошлиғи Алишер Шомирзаев. – Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «SAM SUNI DERI» қўшма корхонасига сунъий терига ишлов берадиган, қиймати 100 минг долларга тенг янги ускуна келтирилди. Шу асно 10 та янги иш ўрни яратилди.

Соҳа мутасаддиси режалар ҳақида тушунча берди. Аммо улар ҳали қоғозда. Булунғур ва Пастдарғом туманларида қўй терисини қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланаётган экан.

Ҳақиқий аҳвол шуки, тизимда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами саноатдаги улуши 1,1 фоизга, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 0,4 фоизга тўғри келмоқда. Бундан-да ачинарлиси, вилоятда қўй жуни ва терисини сўрайдиган одам йўқ ҳисоби. Чорвачиликка ихтисослашган Нуробод, Қўшработ ва бошқа туманларда бу маҳсулотлар чиқинди сифатида ташлаб юборилмоқда.

– Эчки териси ва жунига харидор бор, лекин қўйникига топилмайди, – дейди қўшработлик Қаҳрамон Садриддинов. – Эллик бош қўйим бор, жунларини ҳар йили икки марта оламиз, аммо унга харидор йўқ. Бу салкам 100 кило жун қайф кетади, дегани бўлади.

– Самарқанд шаҳри биқинидаги Чархин қишлоғида яшайман, – дейди Достон Ҳамидов. – Кўкламу кузда дала ва зовурлар ёқалари қўй жунига тўлиб кетади. Яна денг, ҳавода учиб юриб, атроф-муҳитга катта зарар келтиради. Ҳолбуки, улардан талай маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Биз шуни била туриб, бу ноёб ашёни увол қиляпмиз.

Самарқанд вилояти қоракўлчиликни ва яйлов хўжаликларини ривожлантириш уюшмаси бошлиғи Аҳмат Бозоровнинг айтишича, бу ташкилот таркибида 7 та хўжалик, 4 та кластер хўжалиги, уларнинг ихтиёрида салкам 328 минг бош қўй-эчки бор. Улардан 2920 тонна жун олиниб, 2900 тоннаси экспорт қилинган.

– Аҳоли чорвасига қайси тизим масъул? – сўрадик уюшма раҳбаридан.

– Улар кластер хўжаликлари қамровига олинган, – дея талмовсирагандек бўлди у.

Суҳбатдошимиз тилга олган рақамларга кўз ташлаб, ҳайратимиз баттар ошди. Чунки вилоятдаги хўжалик ва аҳоли парваришидаги ушоқ моллар сони у келтирган рақамларга нисбатан ўн баробар кўп эди. Масалан, Нуробод туманида, жорий йил ҳолатига кўра, 594739 бош қўй-эчки бор. Шундан 450718 бошини аҳоли, 73832 бошини эса фермерлар парваришлашмоқда. Қўшработ туманидаги аҳоли ва чорвадор хўжаликлари кўтони ҳам бўш эмас.

Хуллас, икки туманда бир миллион бошдан зиёд қўй-эчки бор. Қолган ўнта туман ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшганда, терини, майли, қўя турайлик, жами жун миқдори бир неча миллион тоннани ташкил этиши мумкин. Уларнинг неча фоизи фойда келтиряпти-ю, қанчаси исроф бўляпти, афсуски, буни чўтга соладиган валломат ҳозирча топилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 2 сентябрда «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга, 2021 йил 8 июлда эса «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Уларда жун қирқиш ва йиғиш шохобчаларини ташкил этиш алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилди. Вилоятда тери ва жунни қайта ишлашга дахлдор бирлашма ва уюшмалар кўп бўлса-да, уларни қабул қиладиган бирорта ҳам шохобча йўқ. Биз уюшма четга экспорт қилаётган жун ҳам асосан эчки қилли эканлигини аниқладик.

– Анави тахмондаги кўрпачаларнинг ичига пахта эмас, жун солганман, – дейди пайариқлик Норхол момо. – У яхшилаб савалайса, пахтадан ҳам майин бўлади. Соғлиққа ҳам фойдали. Ер захрини қайтарадиган тўшама бўлади. Афсус, одамлар ялқов бўлиб кетишди. Кўпчилик қўй жунини уюм-уюм қилиб, ахлатга ташлаётир. Бу исрофгарчиликдан ўзга нарса эмас!

Мулоқотлар жараёнидан англашимизча, тизимни оёққа турғазиш осон иш эмас. Чорвачиликка тааллуқли соҳалар, фермерлар уюшмалари ҳам бу ишга бош қўшмасалар, «арава» ҳали-вери жойидан жиладиганга ўхшамайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Саломатлик омиллари

Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ!



ТАБИБ – ТАБИБ ЭМАС, БОШИДАН ЎТГАН – ТАБИБ

Мана, салкам тўрт ойдирки, дўстлариму танишларим мендан қандай қилиб озганимни сўрашади. Мен бунинг учун танамни бамисоли компьютердек «перезагрузка» қилиб («қайта тиклаб»), ишга туширганимни айтаман. Аниқроғи, ичакларимни сурги дори воситасида обдон тозалаганимдан сўнг улар яхши ишлай бошлаганини ва вазним 110 килодан 93 килога камайганини, шу зайл соғлом турмуш тарзига қайтганимни тушунтираман.

Яна бир муҳим янгилик. Илгари пиёда сайр қилиш мен учун деярли бегона эди. Энди эса бир кунда 10 минг қадам босмасам, кўнглим тинчимайди. Бундан ташқари, аъзолари ҳар куни 7 чақирим юрадиган Пиёдалар клубини очдик. Ва яна, ҳафтада икки марта сув ҳавзасига бориб, 1000-1500 метр масофага сузаман.

Хўш, буларнинг самараси қандай бўлди? Шу вақт ичида менда нима ўзгаришлар рўй берди?

Аввало, юқори қон босими – гипертония касаллигим тузалди. Иккинчидан, қорним дам бўлиши йўқолди. Учинчидан, юрагим спортчиларникидай оҳиста ура бошлади. Тўртинчидан, жигарим тозаланиб, баландлаган ферментлари меъёрига тушди. Бешинчидан, қийшайган ўт қопим тўғриланаяпти...

Тунов куни ишхонамга дўстим Аслиддин Алимардон келди. У 4 ойча бурун менга «Одам икки-уч кун овқатланмагани билан озмайди. Қўлимиздан келадиган ишни қилайлик», деганди. Бу сафар эса мен унга семириб кетганини, соғлом ҳаётга ўтиши зарурлигини эслатдим. Эвазига «Йилда бир марта сиз каби 14-15 кило озаман. Кейин яна семираман. Ҳали қараб туринг, бир йилга бормай, сизда ҳам шунақа бўлади», деган жавобни эшитдим. Ортиқча тортишиб ўтирмай, «Буни вақт кўрсатади», деб қўя қолдим. Чунки қайта семирмаслик ўзимга боғлиқлигини яхши билардим ва бунга қаттиқ ишонардим...

Уйимиздаги жўмракдан сув яхши оқмай қолса, дарҳол уни тузатишга киришаман. Шунда пластмасса қувурнинг ички чиқиндига тўлиб қолганини кўраман. Инсон вужуди ҳам мана шу қувурга ўхшайди. Ичаклару қон томирлари йиллар оша хилтлару холестеринга тўлади. Уни вақти-вақти билан тозалаб турган маъқул. Акс ҳолда, еган овқатимиз керакли жойга етиб бормайди. Оқибатда турли касалликлар пайдо бўлади.

Яқинда стоматолог Алишер Саидмуродов билан соғлом турмуш тарзи ҳақида анча суҳбатлашдим. Унинг айтишича, узоқ яшашнинг тўртта омили бор. Улар тўғри овқатланиш, кўп ҳаракатланиш, экология ва ташқи муҳитдан иборат. Узоқ умр кўришнинг асосий икки омили ўзимизга, қолгани бошқа сабабларга боғлиқ бўлар экан.

Шифокор Алижон Зоҳидий ҳар ўн кунда сурги дори ичиб, танасини тозалаши ҳақида ёзди. Биз ҳеч бўлмаганда ойда бир марта танамизни тозалаб турсак, у бизга камида 100 йил хизмат қилиши аниқ!

«БУ ҲАҚДА БУТУН ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАР СОЛИНГ!»

Ўтган йили 140/100 бўлган қон босимим, 4 ойдирки, 120/80. Аммо рўза кунлари бошим бироз айлангандай бўлди. Ўлчатсам, қон босимим 90/60 бўлиб чиқди. Сабабини аниқлаш учун поликлиникага бордим. Бу сафарги кўрсаткич иккала қўлимда ҳам 110/80 бўлди.

Кейин юрагимни кардиограмма қилдирдим. Қисқаришлар сони 53 чиқди. Бу брадикардия дегани. Оддий одамларда унинг меъёри 60 дан 80 гача бўлар, кашандалар, асабийлар, таъжанглар, семизлар, холестерини кўплар, кофеҳўрлар, энергетик ичимликлар шайдолари, қони қуюқларда ошар экан. Спортчилар, пиёда кўп юрувчиларда эса, аксинча, тушаркан. Уларда меъёр 48 дан 58 гача. Бу оралиқда урган юрак русчада «спортивная сердца» дейилади ва киши умрини узайтиради.

Демак, мени озганим, сузганим, ҳар куни 10 минг қадам юрганим фойда бера бошлабди. Юрак қисқаришлари сони пульсоксиметрда 60 чиқди, сатурациям 97 фоиз. Юрагимнинг барча деворларида туя ўркачидай тепалик пайдо бўлибди. Семиз пайтларим улар йўқ эди.

Хуллас, қон босимим магний сулфат ва лимондан тушиб кетган экан. Уни новвотли кофе билан кўтардим.

Кардиолог Дурдона опа «Дори ичмасдан озиш, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни ошириш билан ҳам гипертонияни даволаш мумкин. Бу ҳақда бутун Ўзбекистонга жар солинг!» деди хурсанд бўлиб. «Қоринбой ва семизларни сафингизга қўшинг! Улар еяётган таомларнинг 70 фоизи оқсил, 30 фоизи клетчаткадан иборат. Соғлом одамда бунинг акси бўлиши керак», деб сўзини якунлади.

Бу гапда жон бор. Чунки мен ҳам семизлигимда тўйганимни билмасдим. Энди кўп овқат емаяпман. Ошқозоним кичрайди. Жигаримни тез-тез УТТ аппаратида текширтиряпман: аввалгидай катталашиш йўқ, аммо ҳали ёғли гепатоз бор экан. У асосан бетартиб овқатланишим, кам ҳаракатим туфайли пайдо бўлган. Сўнг семирдим, ёғ жаноблари жигаримга меҳмон бўлди.

Энг ёмони, ёғли гепатоз тобора ривожланиб жигарни яллиғлантирар экан. Жигарда нерв ҳужайралари йўқлиги боис касалланганида оғримайди ва биз ҳам сезмаймиз. Шу боис жигарни доим текширтириб туриш керак. Негаки, унга путур етса, тана ишдан чиқади.

Мен касалликни ҳайдаш учун турмуш тарзимни ўзгартирдим: ёғли ва хамирли овқатлардан воз кечиб, кўкатлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилишни кўпайтирдим.

ХАСТА ЖАМИЯТ ЮКСАЛМАЙДИ

Соғлом ҳаёт ҳақида Президентимиз ҳам бир неча бор гапирди. Зеро, бу жиддий масала. Палапартиш овқатланиш, семизлик, кам ҳаракатлилик миллат дарди ва юрт фожиасидир. Хаста жамият эса равнақ топмайди, ўзидан соғлом насллар қолдирмайди, алалоқибат таназзулга учрайди.

93.35
25
Max 180kg d=0.1kg Max 396lb d=0.2lb

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўнгги пайтларда ҳаммамиз учун ўта зарур бўлган соғлом турмуш тарзига яна тўхталиб, шундай деди: «Аҳолимизни қийнаётган жиддий муаммолар ва одатлар ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилик. Булар билан жиддий курашадиган пайт келди. Қашқадарёликлар гўштни яхши кўришади. Энди қашқадарёликлар тандир ва жизни кўпроқ меҳмонларга бериб, ўзлари кўкатларга ва бошқа фойдали маҳсулотлар истеъмолига эътибор қаратсалар, жуда яхши бўларди».

Дарвоқе, бундан бу ёғига гўштли, ёғли ва хамирли таомларни, ширинликларни, газли, кимёвий, спиртли ичимликларни ўйлаб тановул қилайлик. Кўкатлар ва мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилишга ўрганайлик. Касалликлар биздан нари бўлишини ва узоқ яшашни истасак, тўғри овқатланайлик, кўп ҳаракатланайлик, ортиқча вазндан холи бўлайлик. Шунда жисмонан ва руҳан соғлом-бақувват, маърифатли ва ақлли миллатга айланамиз. Бундай миллат эса қудратли давлат қуришни уддалай олади.

СОҒЛОМ ҲАЁТ ЮРТИ ҚАЕРДА?

Вақти-вақти билан эндокринолог кўригидан ўтиб турибман. Унинг қабулида дастлаб февраль ойида, вазним 101 килолигида бўлгандим. Ўшанда тана массаси индекси 33 чиққанди, сўнгги боришимда 31 бўлибди.

Тана массаси индекси – инсоннинг бўйи ва вазни мослигини баҳолашга имкон берувчи катталик бўлиб, вазн етишмаслигини, меъёрда эканлигини ёки ортиқчалигини аниқлашда ишлатилади. Даволаш кўрсатмаларида муҳим ўрин тутади. Унинг кўрсаткичи белгиялик социолог ва статист Адолф Кетле томонидан ишлаб чиқилган.

Шифокорнинг айтишича, ҳозир мен семизликни енгаяпман. Яъни, ортиқча вазн ва семизлик чегарасидаман. 30 дан пастласам, семиз бўлмаган ортиқча вазнли киши саналар эканман. Бунинг учун оғирлигим 90 килодан пасайиши керак. Ёшим 37 да бўлгани сабабли 88 кило вазн норма экан. Бинобарин, яна 12 кило озишим даркор. Шуни эсда тутиб, ўзимга ўзим «Ҳаракатларингни кўпайтир, асло сусайтирма! Чунки олдинда сени Соғлом ҳаёт юрти кутяпти. Қолаверса, бошқа замондошларинг сени кузатиб туришибди, тағин уларнинг олдида уялиб қолма!» дейман. Ортиқча вазнли кишиларга айтар сўзим эса қуйидагича: «Тез орада сафингизни тарк этаман ва сизларни Соғлом ҳаёт юртида кутаман».

Ҳа, айтганча, Соғлом ҳаёт юрти қаерда ўзи?..
У ўзимизда – ичимизда!

Фозил ФАРҲОД

Мулоҳаза учун мавзу

– Менга қара, ҳой, – ўдағайлади Турсун ака хотинига, – кўпам нолийверма, жавобингни бераман. Кейин «Ёр-ёр»да чиқаётган ёш жувонлардан бирига уйланаман... Олтмишни қоралаган Мунира опа, эрим чиндан ҳам қариган чоғимда жавобимни бериб қўймасин, эл-юрт олдида шарманда бўлмай, дея аламини ичига ютади. Кўрсатув бошланса, юраги така-пука бўлади. Шу баҳона навбатдаги нағма бошланади-да...

ЎТИН ЁРИШГА сарфланаётган истеъдод

Бу воқеа ҳаётий ҳақиқат, фақат қаҳрамонларининг исми ўзгартирилган, холос. Кундан-кунга Турсун амакилар сони ортиб бораётгани ҳақида эса кўп эшитяпмиз. Кўрсатув ижодкорлари ҳар икки гапининг бирида таъкидлаганидек, синиқ тақдирларни бирлаштираётгани, бахтсизлигини элга дастурхон қилиб, дув-дув кўз ёш тўкаётган қиз-жувонларга янги ҳаёт ваъда қилаётгани ростми? Тўғриси, дастур қаҳрамонларининг тақдирини тинглаб, уларга ачинасан, киши. Ёлғизларга осон тутиб бўлмайди.

Қатнашчи аёлларнинг аксарияти кўрсатувга 8-9 ёшли гўдакларининг илтимосига кўра келганини айтиб, ўзини оқлаган бўлади. «Ёр-ёрчилар» эса болакайнинг «қаҳрамонлиги»ни қарсак чалиб, қўллаб-қувватлашади. Бошловчи ҳам эфир давомида биз тўғри йўлдамиз, кўрсатувимизни бутун Ўзбекистон кўряпти, дейишдан чарчамайди. Бу ёлғончи одамнинг ҳар икки гапининг бирида, мен рост гапиряпман, дейишига ўхшайди.

Жамиятда Турсун амакига ўхшаб, эфир бошланиши билан оғзининг танобини қочганча аёллар орасидан бирор парини кўзлайдиган ишқибозлар, Мунира хола каби жабрдийдалар қатлами пайдо бўлаётгани эса ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Кўрсатувнинг қайсидир сонида «Турсун амаки»лардан бири қатнашди. Айтишича, аёли кўп жаврагани учун алоҳида-алоҳида яшашга қарор қилибди, тил-забонсиз бир жувонга уйланиб, ҳаётини давом эттирмоқчи эмиш. Ёши олтмишдан ошган бу эркакка «раҳми келган» муаллиф қайтда жаги тинмайдиган хотинлар борлигини, уларга чидаб яшаш осон эмаслигини маъқуллади. Умрининг энг гуллаган даврини фарзандлари, эри ва оиласига бағишлаган аёл эса «чакаги тинмайдиган» тамғаси остида айбдордан олиниб, айбдорга солинди.

Яна бир сонда ҳали йигирмага чиқмай аллақачон уч эр кўрган жувон қатнашди. 13 ёшида аллақайси қишлоқдошига алданиб қолган, кейин яна кимгадир турмушга чиқиб, икки ҳафта яшаган, кейин бошқа бири билан яна икки ҳафта турмуш қурган бу аёлга шармисор ҳаётини эл олдида сўзлаб бериш вазифаси юкланди. Шусиз ҳам бебош қизининг қилмишларидан эл орасида бош кўтаролмай қолган ота-онанинг ярасини янгилаш кимга керак?

Кўрсатувнинг тезда омма орасида машҳур бўлиб кетишига асосий сабаби миллийлик, ўзбекчилик деган анъанавий чегарани бузиб ўтиб, ғарбона қарашларни бамайлихотир оммага сингдираётганида, деб баҳолаш мумкин.

Бухоро давлат университети доценти, психолог Шуҳрат Остонов телевизион шоуларнинг инсон онгига таъсири ҳақида ажойиб маълумотларни тақдим этди. Унда бундай шоулар худди йиғлаётган чақалоқнинг бешигига шақилдоғни осиб-қўйиб, уни у ёқдан бу ёққа тебратганда тинчланиб қолишидаги ҳолатга ҳам ўхшатилади. Телевизион шоулар, умуман, телевизордаги тасвир миямизнинг ўнг ярим шарини, нутқ, товуш ва тушуниш эса чап ярим шарини эгаллайди. Ярим шарлар ана шу тарзда бутунлай банд қилингач, эътиборимизни ўша нарсадан бошқа ёққа қарата олмаймиз.

АҚШда бу борада тажриба ўтказилган. Сунъий йўлдош канали очилганида эфирга узатиш учун бирор дастур йўқлигидан аквариум олдига камера қўйилиб, бир неча кун давомида балиқларнинг кун давомида сувда сузиш жараёни кўрсатилади. Бироз муддатдан сўнг теледастурлар тайёр бўлгач, аквариум эфирдан олиб ташланади ва кўрсатувлар узатила бошланади. Телеканал эса томошабинларнинг шикоят хатлари ва қўнғироқлари билан тўлиб кетади, уларнинг асосий мазмуни шундай эди: «Балиқни қайтаринг!»

– Телевизион шоуларнинг яна бир психологик таъсир тури «Thresh эффекти» деб аталади, – дейди Шуҳрат Остонов. – Бу «экрандаги чиқинди» дея тавсифланади. Одатда номақбул нарса экран орқали кўрсатилмайди. Масалан, ғайритабиий қиёфа, камдан кам учрайдиган ваҳимали воқеалар, қўрқинчли шарҳлар ва ҳоказо. Уларнинг тасвири элементар тарзда намойиш этилиши аввалига кишида жирканиш, жазава, ачиниш, қўрқиш, нафратланиш каби туйғуларни уйғотса, бора-бора экрандаги «чиқит»га кўника бошлайди. Натижада телевизорчилар ўз ғоявий мақсадларига эришадилар. Томошабинларнинг бундай ноодатий шоуларга берилиб кетаётгани фанда «Ҳаётнинг монотонлигини бузиш» таъсири деб изоҳланади. Дейлик, агар нарсаларнинг нормал ҳолати бузилган бўлса, одам ғазаблана бошлайди, йиғлайди, шикоят қилади, ҳаяжонланади, мутлақ тинчлик ҳолатидан четга чиқади. Телевизор ҳаётда уларга етишмаётган омилларни пайдо қилади, шу ишга рағбатлантиради, стимуллар, яъни бирор ишга қизиқиш туғдирадиган омилларни пайдо қилади. Оддий одамни ҳеч бўлмаганда бирор нарса ҳақида ўйлашга, ташвишланишга, кулишга ундайди. Зеро, ҳақиқий оғриқ ёки қувонч психиканинг гормонал фонини ўзгартиради ва инсон фақат ўзи учун мос бўлган жуда махсус стимулларни излашга мажбур бўлади. Аксарият томошабинлар турли хил телевизион шоу ва хорижий сериалларга стимуллар манбаи сифатида қарашади. Чунки ўзларининг шахсий ҳаётлари бир хилликдан иборат. «Ёр-ёр» дастури эса ҳаётнинг монотонини бузишга ва маълум бир ишни қилиш мумкинлигига рағбатлантиргани учун ўзига тегишли аудиторияни йиға олди.

«Ёр-ёр»нинг баъзи сонларини кузатганман. Бир талай қизиқарли ҳангомаларни бекорчиликда эрмакка томоша қилиш учун жуда яхши эфир. Қолаверса, кимлардир бахтини топишига қайсидир маънода кўмаклашаётгани ҳам ростдир. Лекин оламдаги ҳар бир мавжудот, ҳар бир жонзот жуфт-жуфти билан яратилганки, мавжудотлар ичида энг олийси саналган инсонларнинг тенгини топишида бундай олди-қочди ҳангомаларга ҳеч эҳтиёж йўқдек, назаримда. Қолаверса, жамиятда муаммоли масалалар тўлиб ётган бир даврда энг маҳоратли журналистлардан бири чуқур таҳлилий журналистик материаллар тайёрлаш ўрнига ўз истеъдоди ва маҳоратини Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда, «ўтин ёриш»га сарфлаётгани афсусланарли.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»